

## ТУРКИЯ ВА ОЗАРБАЙЖОН ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИГИ

Дилмурод Хужамбердиев

*мустақил изланувчи*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Туркия ва Озарбайжон ўртасидаги хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик, унинг тарихий асослари ва замонавий ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган. Муаллифлар Туркиянинг Тоғли Қорабоғ уруши давридаги ҳарбий, сиёсий ва дипломатик қўллаб-қувватловини ҳамда у орқали минтақада шаклланаётган янги геосиёсий мувозанатни ёритиб берганлар. Шунингдек, Туркия–Озарбайжон–Покистон ўқи мисолида минтақавий хавфсизлик тизимида янги стратегик альянс тенденциялари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Туркия, Озарбайжон, хавфсизлик, Тоғли Қорабоғ, геосиёсат, ҳарбий ҳамкорлик, Зангезур коридори.

**Abstract:** This paper analyzes the cooperation between Turkey and Azerbaijan in the field of security, its historical foundations, and modern development trends. It highlights Turkey's military, political, and diplomatic support during the Nagorno-Karabakh war and explores the emerging geopolitical balance in the South Caucasus. Additionally, the study examines the Turkey–Azerbaijan–Pakistan axis as a new strategic alliance in regional security architecture.

**Keywords:** Turkey, Azerbaijan, security, Nagorno-Karabakh, geopolitics, military cooperation, Zangezur corridor.

**Кириш қисми**

Сўнгги ўн йилликда Жанубий Кавказ минтақаси жаҳон сиёсий манзарасининг энг муҳим нуқталарига айланди. Бу жараёнда Туркия ва Озарбайжон муносабатлари нафақат икки томонлама иттифоқчиликнинг намунаси, балки минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг асосий устуни сифатида намоён бўлди.

Туркиянинг “бир миллат — икки давлат” шioriга асосланган сиёсат Озарбайжоннинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашда ҳал қилувчи омил бўлди. Айниқса, 2020 йилдаги иккинчи Тоғли Қорабоғ урушида Туркия томонидан кўрсатилган ҳарбий-сиёсий ёрдам Кавказ геосиёсий муҳитини тубдан ўзгартирди (TUDPAM, 2024).

**Туркия–Озарбайжон муносабатларининг геосиёсий асослари**

Туркия ва Озарбайжон муносабатларининг илдизлари нафақат этник ва маданий яқинликда, балки умумий хавфсизлик манфаатларида мужассам. 1990-йиллар бошида

Озарбайжон мустақилликка эришгач, Туркия биринчи бўлиб уни тан олди ва сиёсий ҳамда иқтисодий ёрдам кўрсатди.

Сўнги йилларда икки давлат алоқалари “Шуша декларацияси” (2021 йил) орқали янги босқичга кўтарилди. Ушбу хужжат икки давлатни ҳарбий иттифоқ даражасига чиқарди ва хавфсизлик, мудофаа саноати, разведка алмашинуви соҳаларида институционал ҳамкорликни мустаҳкамлади (UDIAD, 2023).

### **Тоғли Қорабоғ урушида Туркиянинг қўллаб-қувватлаши**

2020 йилдаги иккинчи Қорабоғ урушида Туркиянинг Озарбайжонга кўрсатган ёрдами ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Туркия дронлар, разведка маълумотлари ва ҳарбий маслаҳатчилар билан Озарбайжон армиясининг операцияларини қўллаб-қувватлади.

Бу жараён Туркиянинг НАТОдаги тажрибасини Озарбайжон армиясига самарали интеграция қилиш имконини берди. Шу орқали Озарбайжон ҳарбий салоҳияти сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Туркиянинг Қорабоғ муаммосига бўлган позицияси фақат ҳарбий эмас, балки сиёсий ва дипломатик қўллаб-қувватлов орқали ҳам ифодаланди (TUDPAM, 2024).

Анқаранинг фаол аралашуви Москва–Боку муносабатларига ҳам таъсир кўрсатди ва минтақада янги куч мувозанатини яратди.

### **Ҳарбий ва хавфсизлик соҳасидаги институционал ҳамкорлик**

2020 йилдан кейин Туркия ва Озарбайжон ҳарбий ҳамкорлиги институционал даражага кўтарилди. “ТурАз Орду” қўшма ҳарбий машқлари мунтазам ўтказилиб, ҳар икки армия ўзаро мувофиқликни мустаҳкамламоқда.

Шу билан бирга, мудофаа саноати соҳасида ҳам ҳамкорлик ривожланмоқда. Туркиянинг “Baykar”, “ASELSAN”, “ROKETSAN” компаниялари Озарбайжон мудофаа тизимида фаол иштирок этмоқда. Боку ва Анқара ўртасида разведка маълумотларини алмашиш, киберхавфсизлик, терроризмга қарши кураш соҳасида ҳам келишувлар амал қилмоқда (UDIAD, 2023).

### **Туркия–Озарбайжон–Покистон ўқи ва минтақавий хавфсизлик архитектураси**

Сўнги йилларда Туркия–Озарбайжон ҳамкорлиги янги стратегик ўлчовга эга бўлди яъни Покистон билан уч томонлама ҳамкорлик платформаси шаклланди. 2021 йилда “Исламабод декларацияси” қабул қилинди, унда уч давлат хавфсизлик, мудофаа ва терроризмга қарши ҳамкорлик соҳаларида биргаликда ҳаракат қилишга келишиб олди (AA, 2023).

Бу альянс нафақат Кавказ, балки Марказий Осиё ва Жанубий Осиё хавфсизлик архитектурасида янги “туркий ва исломий ўқ”ни шакллантирмоқда. Ҳозирда уч

давлат мудофаа вазирликлари даражасида мунтазам стратегик учрашувлар ўтказмоқда. Туркия–Озарбайжон–Покистон ўқи борасида гапирганда айтиш мумкин-ки, бу давлатлар ўртасидаги дўстлик ва стратегик ҳамкорлик турли соҳалардаги чуқур алоқаларга асосланади. Бу уч мамлакат сиёсий, иқтисодий ва маданий ришталарга қўшимча равишда, халқаро майдонда бир-бирининг суверенитетини ва миллий манфаатларини доимий равишда ҳимоя қилади. Ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш бу муносабатларни дипломатик доирадан стратегик иттифоқ даражасига кўтарди. Сўнгги пайтларда минтақавий ва глобал хавфсизлик муаммолари шароитида уч томонлама ҳамкорлик янада муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Покистон ва Ҳиндистон ўртасида зиддият юзага келганда, Исломободнинг биринчи навбатда Туркия ва Озарбайжонга муурожаат қилиши бу давлатларга бўлган ишончни яққол кўрсатади. Худди шундай, Туркия ва Покистоннинг Иккинчи Қорабоғ урушида Озарбайжонга кўрсатган ёрдами ҳам бу иттифоқдаги мустаҳкам бирдамликнинг ёрқин намунаси дир. Бу уч томонлама ҳамкорлик нафақат иштирокчи мамлакатлар, балки кенг минтақа - Яқин Шарқ, Марказий Осиё ва Евроосиёнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Туркиядан Ҳинд океанигача чўзилган ушбу хавфсизлик ва ҳамкорлик майдони минтақада барқарор тараққиёт ва тинчлик учун муҳим имкониятлар яратади. Ушбу дўстлик ва иттифоқчилик намунаси келажакда минтақавий ҳамкорлик учун ибрат бўлиши мумкин.

### Хулоса

Туркия ва Озарбайжон муносабатлари нафақат қардошлик, балки стратегик манфаатлар уйғунлигига асосланган. Ҳарбий ҳамкорлик, мудофаа саноати ва разведка соҳаларидаги интеграция минтақада янги хавфсизлик тизимини яратмоқда. Қорабоғ уруши бу иттифоқнинг самарадорлигини намоён этди ва Туркиянинг минтақавий куч сифатидаги ролини мустаҳкамлади. Келгусида ушбу ҳамкорлик Покистон билан биргаликда кенгайиб, Евроосиё хавфсизлик муҳитида муҳим стратегик омилга айланиши кутилмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. TUDPAM. “Azerbaycan–Türkiye İş Birliği Bağlamında Güney Kafkasya’da Yeni Bir Jeopolitik Dönem: Barış, Zengezur Koridoru ve Denge Üzerine Bir Analiz.” TUDPAM.org, 2024.
2. UDIAD. “Ulusal Güvenlik Bağlamında Türkiye–Azerbaycan İlişkileri.” UDIAD.org, 2023.
3. Anadolu Ajansı (AA). “Türkiye–Azerbaycan–Pakistan Coğrafyaları: Asan Güvenlik İttifakı.” AA.com.tr, 2023